

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА
СПОРТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ КАФЕДРАСИ

проф Р.С.Саломов, доц Б.Ғ.Бойбобоев, ўқитувчи
Д.А.Мамажоновларнинг

ОЛИМПИА ТАЪЛИМИДА НАЗАРИЙ
БИЛИМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

мавзусидаги

ИЛМИЙ МАҚОЛА

Олимпия таълимининг муаммолари мамлакатимиз ва хорижда кўплаб олим ва амалиётчиларнинг эътиборини тортмоқда. Ушбу муаммолар халқаро Олимпия конгрессларида, илмий конференцияларда, симпозиумларда, семинарларда, илмий тадқиқот ишларида ва давлат миқёсида муҳокама қилинмоқда.

Ўқувчи ёшларни Олимпия ғоялари ва қадриятлари асосида тарбиялашда кенг кўламли мақсадли дастурларни амалга ошириш кераклигини ва бундаги муаммоларини чуқурроқ таҳлил қилиш лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Олимпия ҳаракатининг умумий тушунчасига асосланиб, Олимпизмнинг инсонпарвар ғоялари ва қадриятлари, Олимпия таълимининг мақсади, вазифалари, мазмуни, воситалари ва услублари такомиллаштирилмоқда.

Ҳар қандай илмий назариянинг самарали ривожланиши учун унинг асосий тушунчалари билан танишиш ва уларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу бизга маълум бир назарий таҳлил қилинадиган объектларни ажратиб олишга, хусусиятларини, муносабатларини аниқлашга ва бошқа нарсалардан фарқлашимизга имкон беради. Бу олимпия таълими назариясини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб, ўрганилаётган объектларни таҳлил қилиш учун шарт-шароитларни яратиб беради ва ушбу объектлар учун мазмунли концептуал қоидаларни ишлаб чиқишни асослайди.

Олимпия хартиясида ушбу педагогик фаолият инглиз тилида “Olympic education” атамаси ишлатилади. Ўзбек тилида бу ибора "Олимпия таълими" деб таржима қилинади. Айрим илмий адабиётларда бошқа атамаларни ҳам учратишимиз мумкин, масалан "Олимпия руҳида таълим", "Олимпия тамойилларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш", "Олимпия ҳаракатлари орқали таълим", "Олимпия ҳаракатида таълим", "Олимпия ғоялари ва қадриятлари руҳида таълим" ва бошқалар.

Энг муҳими, бу атамалар ўртасидаги фарқларнинг ортида, муҳокама қилинадиган ушбу педагогик фаолиятнинг мазмуни ва тушунчаси мавжуд[8].

Олимпия таълимининг таркиби ва мазмунини таҳлил қилишда Перь де Кубертеннинг замонавий Олимпизм тушунчасининг хусусиятларига, олимпия таълимининг мақсад ва вазифаларига, тинчлик, дўстлик, ўзаро тушиниш ва биродорликни тарбиялашга асосланади [3].

Олимпия Хартиясида олимпизмга шундай таъриф берилади: Олимпизм - бу тана, ирода ва онг қадр қимматини мувозанатлашган бир бутунликка бирлаштирувчи ҳаёт фалсафасидир. Спортни маданият ва таълим билан бирлаштирувчи олимпизм саъйи-ҳаракатдан қувониш, яхши намуна ҳамда асосий умумий ахлоқий тамойилларни ҳурмат қилишнинг тарбиявий қийматига асосланган турмуш тарзини яратишга интилади. Айтилганлардан кўриниб турибдики, олимпизмнинг ижтимоий аҳамияти умуминсоний кадриятлар ва идеаллар билан боғлиқ. Уни ўқувчи ёшларнинг таълим тарбиясига жорий этишда олимпия таълимининг аҳамияти муҳим ҳисобланади [6].

1986 йили Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош ассамблеясининг 50-сессиясида Ҳ.А.Самаранч «Спорт ва олимпия ғоялари туфайли яхши ҳамда янада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун» мавзусида маъруза қилади ва шу асосда резолюция қабул қилинди. Унда жаҳон ҳамжамиятини Олимпия ўйинлари даврида «олимпия тинчлигини» ўрнатишга чақирди;

Олимпиадалар моддий ва маънавий маданиятнинг турли томонларини ривожлантирувчи куч сифатида намаён бўлиб, Олимпия ўйинлари юкори даражада мафтункорлигига эга бўлди;

Олимпизм – бу турли давлатлар спортчиларини ягона аҳил оилага бирлашишидир. Бу ўзаро ёрдам, бирдамлик, ҳалолликка асосланган дўстона мунособатларни шакллантириб, нафақат жисмоний сифатларни, балки тана ва рух уйғунлигини тарбиялашга қаратилган таълимдир, у спортчиларда ботирлик, ор-номус, қадр-қиммат, маданият ва маънавиятни тарбиялайди, ҳамда санъат фан ва техника соҳаларида спорт фаолиятининг цивилизация ютуқлари билан уйғунлашишига қаратилган қарашлар тизимини англатади.

Олимпизм - спорт ҳаракатининг маънавий асоси бўлиб, унинг негизида гуманистик (инсонпарвар) ғоялар ётади, унинг мазмун-моҳияти кишиларнинг

яхши ниятларга, тинчликка, ҳамкорликка интилиши, инсонга, шахсга, жамиятга ҳизмат қилишдан иборат. Олимпия спорти гуманизм, ҳалол ўйин (Fair Play), олимпизм фалсафасини шакллантирувчи тинчликсевар анъаналарни олдинга суради. Уни ўқувчи ёшлар таълими ва тарбияси тизимига жорий этишда олимпия таълимининг аҳамияти юксак эътирофга моликдир [2].

Олимпия таълими "Олимпия ҳаракатининг келиб чиқиши мунтазамлигини англаш, унинг шахс ва жамиятнинг турли ҳил маданий ва маърифий эҳтиёжларини қондиришга бўлган таъсирини аниқлашнинг аниқ жараёни" сифатида намоён бўлди [10].

1968 йили Халқаро олимпия қўмитасининг 8-сессиясида "Olympic Education", "Олимпия таълими" таклифи биринчи марта италиялик педагог Систо Фавре томонидан киритилди.

Олимпия таълими баъзи бир услубий нашрларда ўзгаришлар билан тавсифланиши ҳам кузатилади.

Германия миллий олимпия академияси президенти профессор Н.Мюллер, Перь де Кубертеннинг Олимпия таълимини бешта концептуал ғоясини ажратади:

- мукаммал шахснинг уйғун ривожланиш ғояси;
- спорт, илм-фан ва санъат соҳасидаги устунликка эришиш истаги асосида шахсни такомиллаштириш ғояси;
- Фэйр Плэй, спорт фаолиятлари доирасида тенг имкониятлар ва қабул қилинган қонунларни ҳурмат қилиш каби ахлоқий қоидаларга бўйсунтириш;
- тинчлик ва ўзаро тушуниш ғоялари ҳамда ҳурмат ва бағрикенгликни талаб қилади;
- спортда ва спорт орқали тинчликка эришиш [9].

Ушбу концептуал ғояларнинг ҳар бири олимпия таълими назариясини тўлдиради ва шахсни такомиллаштиришга ҳизмат қилади.

Олимпия таълими спорт билан инсоннинг интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган умумий таълимнинг бир қисми бўлиб, у халқаро миқёсда тинчликни таъминлашга

хизмат қилишга интилади, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фарқларни инобатга олган ҳолда, ижтимоий адолатни ўрнатиш ва ватанпарварлик руҳини ривожлантиришга даъват этади.

Ватанимиз олимлари А.К.Хамрақулов, Т.Т.Юнусов, Э.К.Шатерниковлар (2002) маънавий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиш манбаи бўлган олимпизм, жамият цивилизациясида ҳар бир инсоннинг ҳаётида замонавий олимпия ҳаракатининг аҳамиятини очиб бердилар [7].

Олимпия таълими, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда хиссаси катта бўлиб, баркамол инсонни шакллантириш мақсадида танани, руҳни ва фикрни тарбиялашга қаратилган усуллар ва ҳаракатларнинг йиғиндиси эканлигини кўрсатади. Ушбу ёндашув билан Олимпия таълими фақат Олимпия ҳаракати билан эмас, балки спорт ва умуминсоний таълим билан ҳам боғлиқ ҳолда номоён бўлди.

Олимпия таълимининг "эркин" ва кенг талқин қилиниши бошқа фаолиятлардан фарқ қилмайди.

Турли мамлакатлар олимлари ва педагоглари орасида Олимпия таълимини тушуниш ва англашнинг турли ёндашувлари мавжуд.

Ўқувчи - ёшларни олимпизм қадриятларига жалб қилиш билан боғлиқ педагогик фаолиятнинг вазифалари олимпия билимлари, кўникма ва малакаларини шаклланишига олиб келади. Олимпия таълими – ўқувчи ва ёшларни олимпия ҳаракати, олимпия ўйинлари, шунингдек, қадимги Греция мероси олимпизмнинг ғоялари ва қадриятлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва Перь де Кубертеннинг ғоялари ва фалсафий қарашларида замонавий талқинларини топишга қаратилади.

Олимпия таълими - бу ижтимоий ва шахсий ахлоқни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган воситадир.

Шахсий ахлоқ доирасида биз ҳалоллик, бағрикенглик, меҳр-шафқат, камтарлик ва ижтимоий муҳитда адолат, ҳақиқат, садоқат ҳақида гапиришимиз мумкин.

Кубертеннинг педагогик концепциясига асосланган тадқиқотлар олимпия таълим тизимининг қуйидаги элементларини акс эттиради:

- спорт соғлиқни сақлаш воситаси сифатида;
- спорт гўзаллик сифатида;
- спортда ва спорт асосида ёшларни адолатли ўйин қоидалари руҳида тарбиялаш;
- ёшларга жасоратни ўргатиш;
- спорт ёрдамида инсонийликни тарбиялаш;
- олимпия спортини тинчликни мустаҳкамлаш учун қўллаш;
- спорт билан шуғулланиш асосида маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш [4].

Олимпия таълими ўқувчи ёшлар ўртасида спорт ва олимпия ўйинларининг турли қирраларини, уларнинг аҳамиятини оммавий равишда тарғиб қилиш, турли мамлакатлар ва халқлар маданиятига ва халқаро ҳамжамиятга татбиқ этиладиган ижтимоий-маданий салоҳиятни самарали ва кенг талқин қилишда хизмат қилади.

Олимпия таълимида Миллий олимпия қўмиталарининг тажрибаси муҳим ҳисобланади, улар қошида фаолият юритаётган Миллий Олимпия Академиялари олимпия таълими соҳасида спортчилар, мураббийлар, журналистлар, олимлар ва бошқалар учун машғулотлар, семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқдалар [5].

Бизнинг олиб борган тадқиқотларимизда юқорида кайд этилган назарий мулоҳазалардан келиб чикиб, Ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасалари касбий таълим фанлари ўқитувчиларининг малака ошириш курси жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига Олимпия таълими дастурини қуйидаги модулларда амалга оширдик:

Олимпия таълими дастури модули

№	Модул	Мавзу	Мазмуни
1.	I-модул:	Спорт тарихи ва қадимий олимпия ўйинлари	Олимпия ғоясининг маънавий жиҳати; Олимпия ўйинларини қайта тиклашда Перь де Кубертен ва бошқа таниқли расмийларнинг ҳиссаси; Олимпизмнинг асосий тамойиллари; замонавий Олимпия ўйинларининг тарихи ва ривожланиши, Олимпия ҳаракати; Олимпизм фалсафаси; Олимпиаданинг ташкилий ва иқтисодий муаммолари; Олимпия ўйинларининг минтақавий ва миллий муаммоларини тарғиб қилиш

2.	II-модул:	Таълим ва тарбия тизимида Олимпизм	Олимпизмнинг жамиятдаги туган ўрни; спорт мусобақалари ва тарбияси; Олимпизмни халқаро тинчлик ва дўстликга қўшган хиссаси; Олимпия спортини ахлоқий қиёфаси; Олимпизмнинг зўравонликка муносабати; Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун спортчиларни тайёрлаш; Олимпизм ва Олимпия ўйинлари муаммолари.
3.	III-модул:	Спортнинг илмий ва техник муаммолари	Спорт машғулоти; спорт билан боғлиқ илмий, тиббий, биологик, психологик, педагогик масалалар; Олимпизм ва санъат; Олимпизм библиографияси; Олимпиада ўйинларида жамоалар, мураббийлари, ҳакамлар, Олимпия чемпионларини иштирок этиш тажрибалари.

Ўқувчи ёшлар учун таълим тизимида файласуфлар, педагоглар, психологлар, рассомлар, шоирлар, ҳайкалтарошлар, меъмор ва мусиқачиларнинг спорт ва олимпия ўйинлари билан боғлиқ тадқиқотларини ва унинг натижаларини умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб хунар таълими муассасаларида олимпия таълими буйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш умумтаълим ва ижтимоий гуманитар фанлар билан интеграциялашган ҳолда ва машғулотларнинг турли шаклларида жорий этиш таълим-тарбия самарадорлигини оширади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли қарори.
2. Бойбобоев Б.Ғ. Олимпия таълими тизимининг ташкил қилиниши. // Фан спортга. 4/2017. 76-79 б.
3. Кубертен, Пьер де. Олимпийские мемуары [Текст] /Пьер де Кубертен – Киев: Олимпийская литература, 1997. – 179, 1с.
4. Мамажонов Д., Юнусов И., Раҳмонов М. П.Кубертеннинг замонавий олимпия концепциясида шахс ривожланиши. // Олимпизм – кеча, бугун, эртага: муаммо ва ечимлар // Республика илмий-назарий анжумани. Н. 2018 й.-267-269 б.
5. Boiboboev B. Organizing Olympic Education system in Uzbekistan. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 6-2017 Part I.
6. Olympic Charter.In force as from 15 september 2017. International Olympic committee. Lausanne

7. Олимпия билим асослари: (Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқув қўлланма) / Муаллифлар: А.Қ.Ҳамрақулов, Т.Т.Юнусов, Э.К.Шатерников ва бошқ.; С.С.Рўзиевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2002. – 96 б.

8. Родиченко В.С., Столяров В.И. Идеология и олимпийское образование // Теория и практика физической культуры. - 1996. -№6. С. 2-7.

9. Muller N. Die Olympische Idee Pierre de Coubertin und Carl Diem in ihrer Auswirkung auf die IOA / N. Muller // Graz, 1975. – Doc. Dissertation.

10. Neverkovich Sergei. Methods of Olympic Education // IOA. Report of the 27th Session. - Lausanne, 1988.- P. 172-176.

РЕЗЮМЕ

Данная статья раскрывает общее и специальное проблемы теории олимпизма, освещена и научно обоснованно цель, задачи, содержание и специфика направления педагогической деятельности.

Ключевые слова: Олимпийское образование, олимпизм, олимпийское движение, честная игра, философия олимпиады.

RESUME

Annotation. In this article there expressed the theory of Olympic education, it's general and specific issues as well as the specialities of its pedagogical activities, its content, objectives, functions, secularities, as well as others unlikely different types of education and upbringing, it bases interactions with them scientifically.

Key words: Olympic education, Olympism, Olympic movement, Fair Play, philosophy of the Olympics.